



# **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.**

2021 - yil 30 - dekabr

VI-28-69-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

## **Наманган вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/840-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни амалда ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 2 903,2 млрд.сўм, харажатлари 4 608,0 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 1 704,8 млрд.сўм миқдориди тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2022 йил учун Наманган вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун

вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 3-иловага мувофиқ;

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Наманган вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. 2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 17 851,7 миллион сўм миқдорида белгилансин.

7. Туманлар ва шаҳар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида (жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағдан ташқари) 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

8. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари

шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 8-иловага мувофиқ белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

10. Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юрidik шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юрidik шахслар ер солиғи;

корхоналар айланмасидан солиқ;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан

ташқари);

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушумлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Наманган вилояти аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонига мувофиқ.

в) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Юсупов), Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари ва масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга

тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев)га Давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсин.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги 718-сон қарорига мувофиқ Наманган шаҳри таркибида Давлатобод тумани ва “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 майдаги 293-сон қарорига мувофиқ Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган тумани ташкил этилганлигини инобатга олиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилгунга қадар шунингдек, вилоятлар бўйсинувидаги шаҳарлар таркибидаги туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини чекланиб қолинишини олдини олиш мақсадида, Наманган шаҳар бюджетининг 2022 йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари ҳамда даромадларининг биринчи - учинчи ҳисобот чораклари яқунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисмидан 25 (йигирма беш) фоиз Наманган шаҳри таркибидаги Давлатобод туманига, 25 (йигирма беш) фоиз Наманган шаҳри таркибидаги Янги Наманган тумани йўналтирилсин.

14. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллавождиёв), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (С.Мухитдинов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

15. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ғ.Тиллавождиёв), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб

бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

16. Мажбурий ижро бюроси Наманган вилоят бошқармаси (Д.Умаралиев)га вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

17. Маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Б.Матмусаев)га Бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Касимов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва

видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro aukcion» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

19. Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Б.Матмусаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев), вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

20. Монополияга қарши кўрашиш кўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Абдуллаев) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

21. Наманган ирригация тизимлари хавза бошқармаси (Ф.Алматов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев)га туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

22. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Атаходжаев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Э.Хайдаров), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Д.Равшанбеков) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.



23. Давлат Молиявий назорати Наманган вилоят бошқармаси Халқ таълими, Мактабгача таълим ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаларининг Ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишлари кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чорақда эшитиб борилсин.

24. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

25. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

шаҳар ва туманлар бюджетлари тасдиқланган харажатларининг (захира жамғармаси маблағларисиз) 5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ҳамда маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар

ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Ёшлар ишлар агентлиги вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

26. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.М.Юсупов), халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Р.Абдуллаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чоратадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир мартаба ҳисобот киритиб борсин.

27. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

28. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганганская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

29. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириди.

30. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш

масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклатилсин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
1-илова

**2022 йил учун Наманган вилоятини ривожлантиришнинг асосий  
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози**

№ Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1. Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	34 101.5
2. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	107.4
3. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	108.5
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	103.3
5. Қурилиш	110.3
6. Жами хизматлар ҳажми	128.0

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
2-илова

## 2022 йил учун вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

Даромад турлари		минг сўм
1	Фойда солиғи	291 995 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	420 732 501
3	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	284 218 000
4	Давлат божи	139 693 000
5	Жарималар	78 611 000
6	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	13 430 000
7	Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар	25 000 000
<b>ЖАМИ</b>		<b>1 253 679 501</b>
<b>Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад</b>		<b>466 530 000</b>
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	176 550 000
2	Мобиль алоқа хизмати	100 580 000
3	Тамаки ва алкоголь маҳсулотлари	189 400 000
<b>ДАРОМАДЛАР ЖАМИ</b>		<b>1 720 209 501</b>

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
3-илова

**2022 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори**

*минг сўмда*

<b>Т/р</b>	<b>Худуд номи</b>	<b>минг сўм</b>
	<b>ЖАМИ</b>	<b>1 704 756 626</b>
	<i>шундан</i>	
<b>1</b>	Наманган вилояти	1 704 756 626

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
4-илова

**2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет  
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг  
чекланган миқдори**

минг сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
<b>Вилоятнинг вилоят бюджетидан ажратиладиган маблағлар жами</b>		<b>3 424 966 127.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 444 799 415.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	352 183 761.0
	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	0.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	358 218 994.0
	Наманган вилояти шаҳар ва туманларнинг бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари	1 621 947 718.0
<b>1</b>	<b>Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси</b>	<b>336 845 571.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	189 765 116.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	4 750 000.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	147 080 455.0
<b>2</b>	<b>Наманган вилояти Мактабгача таълим бошқармаси</b>	<b>82 459 785.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	14 139 785.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	68 320 000.0
<b>3</b>	<b>Наманган вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси</b>	<b>890 971.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	890 971.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

<b>4</b>	<b>Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси</b>	<b>533 313 604.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	478 013 604.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	55 300 000.0
<b>5</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги</b>	<b>32 161 848.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	32 161 848.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>6</b>	<b>Наманган вилояти Маданият бошқармаси</b>	<b>32 948 113.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	32 948 113.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>7</b>	<b>Наманган вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси</b>	<b>9 095 564.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	9 095 564.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	2 928 321.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>8</b>	<b>Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси</b>	<b>17 046 407.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	12 176 407.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	4 870 000.0
<b>9</b>	<b>Наманган вилояти Ирригация тизимлари хавза бошқармаси</b>	<b>462 734 977.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	462 734 977.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	340 674 000.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>10</b>	<b>Наманган вилояти Транспорт бошқармаси</b>	<b>2 804 792.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 804 792.0



	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>11</b>	<b>Наманган вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси</b>	<b>6 041 840.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 041 840.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>12</b>	<b>Наманган вилояти Туризм ва спорт бошқармаси</b>	<b>43 725 961.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	43 725 961.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>13</b>	<b>Наманган вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси</b>	<b>4 694 653.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 694 653.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>14</b>	<b>Наманган вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси</b>	<b>5 095 933.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 095 933.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>15</b>	<b>Наманган вилояти Монополияга қарши курашиш бошқармаси</b>	<b>1 629 523.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 629 523.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>16</b>	<b>Наманган вилояти Давлат активларини бошқариш агентлиги</b>	<b>1 879 401.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 879 401.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>17</b>	<b>Наманган вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси</b>	<b>1 611 043.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 611 043.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>18</b>	<b>Наманган вилояти Қурилиш бошқармаси</b>	<b>2 188 201.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 188 201.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>19</b>	<b>Наманган вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси</b>	<b>7 895 093.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	7 895 093.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>20</b>	<b>Наманган вилояти Адлия бошқармаси</b>	<b>8 208 438.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	8 208 438.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>21</b>	<b>Наманган вилояти иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси</b>	<b>11 895 198.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	11 895 198.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>22</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси</b>	<b>1 522 708.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 522 708.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

<b>23</b>	<b>Наманган вилояти ҳокимлиги</b>	<b>118 650 699.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	36 002 160.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	2 377 440.0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	82 648 539.0
<b>24</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наманган вилоятидаги муассасалар</b>	<b>8 856 797.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	8 856 797.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>25</b>	<b>Халқ депутатлари вилоят Кенгаши</b>	<b>1 520 083.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 520 083.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>26</b>	<b>Наманган вилояти сайлов комиссияси</b>	<b>60 323.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	60 323.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>27</b>	<b>Наманган вилояти молия бош бошқармаси</b>	<b>1 639 711 363.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	17 763 645.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Наманган вилояти шаҳар ва туманлари маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	1 621 947 718.0
<b>28</b>	<b>Наманган вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси</b>	<b>6 579 955.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 579 955.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

<b>29</b>	<b>Бюджетдан ташқари Пенсия бошқармаси Наманган вилояти бошқармаси</b>	<b>13 653 829.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	13 653 829.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>30</b>	<b>Наманган вилояти Ўзархив бошқармаси</b>	<b>2 571 098.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 571 098.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>31</b>	<b>Наманган вилояти Маънавият ва маърифат маркази</b>	<b>1 775 445.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 775 445.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>32</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси</b>	<b>5 029 067.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 029 067.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>33</b>	<b>Наманган вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси</b>	<b>1 711 987.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 711 987.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>34</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақулчилик ривожлантириш кумитасининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими</b>	<b>144 337.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	144 337.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

<b>35</b>	<b>Наманган вилоят Махсус эксплуатация-монтаж бўлими</b>	<b>4 310 026.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 310 026.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	1 454 000.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>36</b>	<b>Бошқа ташкилотлар</b>	<b>13 701 494.0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	13 701 494.0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
5-илова

**2022 йил учун Наманган вилоятининг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар**

№	Худудлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ		Юридик шахслар ер солиғи		Яқиний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи		Корхоналар айланмасидан солиқ		Давлат божи
		Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига
1	Наманган шаҳар	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
2	Мингбулоқ тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
3	Косонсой тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
4	Наманган тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
5	Поп тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
6	Тўрақўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
7	Уйчи тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
8	Чортоқ тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
9	Янгиқўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
10	Норин тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
11	Учқўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%
12	Чуст тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%

№	Худудлар номи	Йиғимлар		Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари		Давлат мулки бўйича ижара тўловлари		Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушумлар
		Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига
1	Наманган шаҳар	100%	0%	0%	100%	100%	0%	35%	65%	0%
2	Мингбулоқ тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	74%	26%	0%
3	Косонсой тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	72%	28%	0%
4	Наманган тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	65%	35%	0%
5	Поп тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	72%	28%	0%
6	Тўрақўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	54%	46%	0%
7	Уйчи тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	73%	27%	0%
8	Чортоқ тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	80%	20%	0%
9	Янгиқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	85%	15%	0%
10	Норин тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	80%	20%	0%
11	Учқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	70%	30%	0%
12	Чуст тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	75%	25%	0%

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
6-илова

**2022 йил учун Наманган вилояти шаҳар ва туманлар маҳаллий  
бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

*минг сўм*

Т/р	Худудлар номи	Даромадлар	Харажатлар
	<b>Жами</b>	<b>1 183 005 499</b>	<b>2 804 953 217</b>
1	Наманган шаҳар	358 568 141	517 218 469
2	Мингбулоқ тумани	56 506 320	151 379 598
3	Косонсой тумани	65 094 818	208 108 728
4	Наманган тумани	61 383 192	174 159 142
5	Поп тумани	108 471 892	233 901 368
6	Тўрақўрғон тумани	79 507 284	236 099 612
7	Уйчи тумани	86 477 925	217 351 355
8	Чортоқ тумани	63 140 346	201 018 454
9	Янгиқўрғон тумани	72 663 315	214 792 880
10	Норин тумани	56 464 003	184 249 588
11	Учқўрғон тумани	72 641 399	207 945 576
12	Чуст тумани	102 086 864	258 728 447



Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
7-илова

**2022 йил учун Наманган вилояти шаҳар ва туманларнинг бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари**

*минг сўм*

Т/р	Худудлар номи	Сумма
	<b>Жами</b>	<b>1 621 947 718</b>
1	Наманган шаҳар	158 650 328
2	Мингбулоқ тумани	94 873 278
3	Косонсой тумани	143 013 910
4	Наманган тумани	112 775 950
5	Поп тумани	125 429 476
6	Тўрақўрғон тумани	156 592 328
7	Уйчи тумани	130 873 430
8	Чортоқ тумани	137 878 108
9	Янгиқўрғон тумани	142 129 565
10	Норин тумани	127 785 585
11	Учқўрғон тумани	135 304 177
12	Чуст тумани	156 641 583

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-28-69-6-0-К/21-сон қарорига  
8-илова

**2022 йил учун вилоятнинг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари шахсий  
ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган  
энг кам миқдори**

*минг сўм*

<b>Т/р</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>сумма</b>
	<b>Жами</b>	<b>19 524 000.0</b>
<b>1</b>	Наманган вилоят	7 277 344.0
<b>2</b>	Наманган шаҳар	2 364 908.0
<b>3</b>	Мингбулоқ тумани	647 660.0
<b>4</b>	Косонсой тумани	856 267.0
<b>5</b>	Наманган тумани	747 402.0
<b>6</b>	Поп тумани	1 115 312.0
<b>7</b>	Тўрақўрғон тумани	962 289.0
<b>8</b>	Уйчи тумани	885 320.0
<b>9</b>	Чортоқ тумани	865 095.0
<b>10</b>	Янгиқўрғон тумани	950 343.0
<b>11</b>	Норин тумани	763 083.0
<b>12</b>	Учқўрғон тумани	966 571.0
<b>13</b>	Чуст тумани	1 122 406.0